

## П. И. ЧАЙКОВСКИЙ ИЖОДИДА ОПЕРА ВА БАЛЕТ

Илёс Исроилович Куватов

Ўзбекистон давлат консерваторияси, доцент в.б.

### АННОТАЦИЯ

Опера ва балет жанрида ижод қилиш композитордан махсус тайёргарликни талаб этади. Сабаби бу ўзига хос мураккаб ва мукамал йўналиш бўлиб, унинг ўз қонун қоидалари бор ва алоҳида масъулиятни талаб этади. П.И.Чайковский ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда бир қанча опера ва балетлар яратиб тингловчилари эътиборига ҳавола этди. Айни мақолада унинг бир нечта асарлари ҳақида маълумотлар берилди.

**Калит сўзлар:** опера, балет, Чайковский, “Иоланта”, “Афсунгар”, “Оқ куш кўли”, “Қарсилдоқ”.

### ABSTRACT

Creativity in the genre of opera and ballet requires special training from the composer. The reason is that this is a specific complex and perfect direction, it has its own rules and requires special responsibility. P. I. Tchaikovsky, feeling this responsibility, created several operas and ballets and brought them to the attention of his audience. The same article provides information about several of his works.

**Keywords:** opera, ballet, Tchaikovsky, "Iolanta", "The enchantress", "Swan lake", "Nutcracker".

### КИРИШ

Жахон классик мусиқаси ўзининг бетакрор мусиқаси, беназир асарлари, бир қанча истеъдодли композиторлари билан тингловчилар ва томошабинлар қалбини ўзига ром этиб келмоқда. Унинг таркибидаги ҳар бир тан олинган асар ўзининг яратувчисига, тингловчисига ва албатта танқидчисига эга бўлиб келган. Шунингдек, ҳар бир яратилган асарнинг ўз тарихи мавжуд. П.И.Чайковский яратган кўплаб асарлари ҳали ҳануз дунёни лол қолдириб келмоқда. Айниқса унинг опера ва балетлари етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган тингловчиларга эга. Айтиш мумкинки, бир инсоннинг умри давомида ёшига мос тарзда Чайковскийнинг асарларига ҳамроҳ яшаши мумкин. Навбатда унинг бир нечта асарларига тўхталиб ўтмоқчимиз.



## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

1884 йилда “Мазепа” операсининг постановкасида сўнг Чайковский янги опера яратиш учун сюжет излай бошлади. Аввалига у Пушкиннинг “Лўлилар” деб номланган асарига тўхталди ва янги операнинг режасини туза бошлаган эди. Аммо бу асар негадир композиторни қониқтирмади ва яна изланишда давом этди. 1885 йилда композитор укаси Михаил Чайковский билан суҳбат чоғида Шпажинскийнинг “Афсунгар” асарини эслади. Бу муаллифнинг драма ва комедиялари 80 йилларда сахналарда узок муддат муваффақият билан намоиш этилаётган эди. Сабаби Шпажинский ўз асарларида ёрқин характерлардан фойдаланар, тўқнашувларни моҳирлик билан қўллар, сахна ҳолатларини жуда таъсирли тасвирлаб бера олар эди.

Шпажинскийнинг драмаси билан танишиб чиққач, композитор Кума ва Княжичнинг сахнасида хайратланди. Масала ўз ечимини топган эди, Чайковский драматургга мурожаат этди ва пьесани опера либреттосига ўгириб беришни илтимос қилди. Шпажинский бу таклифни қабул қилди ва матн ёз охирларида тайёр бўлди. Драма сезиларли даражада ўзгарди. Бир қанча актлар қисқартирилди, баъзи иккиламчи қахрамонлар четлаштирилди, сюжетдаги бир нечта салбий ҳолатлар олиб ташланди. Бош қахрамон образи янада бўрттирилиб, ёрқин миллий қахрамонга айлантирилди. Чайковский эса иккинчи ва тўртинчи актларда халқ сахнасини киритиб, асарни яна ўзгартирди. Либретто тайёр бўлгач, 1885 йилнинг сентябр ойида Чайковский мусиқа басталашга киришди. Кейинги йилнинг бошида биринчи ва иккинчи актларнинг мусиқаси тайёр бўлди ва бир оз танаффус юзага келди. Бунга албатта композиторнинг бир нечта концерт сафарлари сабаб бўлди. Бир йилдан ошиқ вақт ўтгач, яъни 1887 йилнинг 6 майида “Афсунгар” операсининг партитураси тайёр бўлди ва асарнинг постановкаси бошланиб кетди. Тайёргарлик жараёнидаёқ операнинг хажми жуда катта эканлиги маълум бўлди ва Чайковский асарни бир оз қисқартиришга ҳамда ўзгартиришга мажбур бўлди. Шунда ҳам операнинг хажми керагидан ортиқ эди. 1887 йилнинг 20 октябрида “Афсунгар”нинг премьераси бўлиб ўтди.

Чайковскийнинг ижодидаги энг сўнгги опера “Иоланта” бўлиб, композиторнинг энг ёрқин ва ҳаётий асарларидан бири сифатида мусиқа тарихида сақланиб қолди. Ушбу асарда бирорта салбий қахрамонни учратмайсиз. Унда муҳаббатнинг қудратли кучи мавзуси устунлик қилади. Опера ишқий характерда ёзилган

бўлиб, ҳар бир қахрамон ўзига мос ариялар билан тасвирланади. Асар марказида бош қахрамон Иоланта туради ва мавзуни қоронғуликдан ёруғлик томон ривожлантириб боради. Операда симфоник принциплар турли мусиқий шакллар билан уйғунлашади. 1883 йилнинг феврал ойида матбуотда ёзувчи Герцнинг “Қирол Рененинг қизи” драмаси нашр этилади. Чайковский ана шу драмани ўқиб чиқади ва асарнинг шеърляти, лирикаси уни хайратлантиради ҳамда бир кун келиб албатта мана шу драмага опера яратишни кўнглига туғиб қўяди. 1888 йилга келиб эса Герцнинг “Қирол Рененинг қизи” драмасини Кичик театрда томоша қилгач, опера яратишга қатъий қарор қилади. 1890 йилда Чайковский бир актли балет ва операга буюртма олади. Шунда у Герцнинг драмасига опера яратиш истагини билдиради ва буюрмачилардан розилик олади. Композиторнинг укаси Михаил Ильич Чайковский “Қирол Рененинг қизи” драмаси асосида либретто ёзиб берди. Либретто 1891 йилнинг апрель ойида тайёр бўлди. Ёз ойларида эса композитор “Иоланта” деб ном олган операга мусиқа басталашга киришди. Икки ой ичида асарнинг мусиқаси бутунлай тайёр бўлди ва йилнинг сўнгига қадар оркестрлаштириш ишлари якунланди. Шу тариқа 1892 йилнинг 6 декабрида “Иоланта” операсининг премьераси Петербургнинг театрларидан бирида бўлиб ўтди ва олқишларга сазовор бўлди.

## НАТИЖАЛАР

Чайковский яратган балетлар ҳам деярли барчаси ҳозирга қадар ўз долзарблигини йўқотган эмас. Ҳар бир асарининг яратилишидан аввал ижодкор доим пухта изланган. Масалан, “Оққуш кўли” балетига кўл уришдан аввал композитор кутубхоналардаги мавжуд балетларнинг партитураси билан танишиб чиқди, жанрни пухта ўрганди. Бир қарорга келгач, мавжуд сценарий асосида ушбу асарни 1876 йилда яратди. Ҳозирги кунга келиб “Оққуш кўли” балети дунёда мавжуд балетлар ичида энг гўзали деб эътироф этилди. Композиторнинг замондоши, мусиқа танқидчиси Герман Ларош балет ҳақида шундай фикрларни айтган: “Оққуш кўли” балетининг мусиқаси жуда нозик дид билан яратилган. Айниқса вальслар ранг баранглиги тингловчининг эътиборини тортади”. Дарҳақиқат, Чайковский “Оққуш кўли”ни яратар экан унга мос энг гўзал ва нафис оҳанглари танлади ҳамда оққуш мавзусини жонлантирди. Бошқа ижодкорлар томонидан илгарироқ яратилган балетларга мутлақо ўхшамайдиган “Оққуш кўли”га нисбатан турли фикрлар айтилди. Кимлардир Чайковскийни



ўхшаш тонлардан фойдаланганликда айбласа, бошқалар мавзуни ўзгартириш керак дер эди. Аммо жуда кўпчиликка балет ҳар томонлама манзур бўлган эди. 1877 йил 20 февралда Москванинг “Большой театр”ида “Оққуш кўли” балетининг премьераси муваффақият қозонди ва 1883 йилга қадар театр сахнасидан тушмади.

“Қарсилдоқ” балети - болалик ҳақидаги симфониядир.” Деган эди муסיқашунос Борис Асафьев. Дарҳақиқат унда болалик одатлари, кўрқувлари, ҳаёллари, ҳайрат ва қувончлари... барчаси акс эттирилган. “Қарсилдоқ” балети Чайковский ижодида алоҳида ўринга эга. Бу асар ўша даврдаги балет жанрига асло ўхшамас эди, шунинг учун ҳам у барча учун янгилик бўлди. Балет 1891-92 йиллар давомида Всеволожскийнинг буюртмасига биноан яратилди. Либреттоси эса Гофман эртаклари асосида Петипа томонидан ёзилган. Рус миллий балети “Қарсилдоқ” асарини негизида фалсафий мазмун яширинган болалар сеҳрли эртаги сифатида қабул қилди. Бутун дунё ҳозирги кунга қадар бу асарга мурожаат қилиб келмоқда. Сабаби ҳар бир ижрода, муסיқий драматургиясида янгидан янги жиҳатлар очилиб келади ва ижрочиларни ҳам, тингловчиларни ҳам ҳайратга солади. “Қарсилдоқ”нинг тақдири жуда қайноқ бўлди. Томошабинлар олқиши ва мутахассисларнинг кескин танқидлари.... бу бошланиши эди. Аммо вақт ўтгач, асар қайта ва қайта янграгани сари асарнинг моҳияти очилиб борди. Ҳозирги кунга келиб эса Чайковскийнинг “Қарсилдоқ” симфоник балети бутун дунёда энг сеvimли ва ёқимли асарга айланди.

## МУҲОКАМА

Шу ўринда мен Чайковский ижодининг ўзбек бастакорлари ижодига таъсири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Унинг ижоди улкан бир лабораторияга қиёслаш мумкин. Катталар учун ҳам, болалар учун ҳам бирдек мукамал асарларни яратганлиги барча бастакорларнинг руҳий оламига ижобий таъсир кўрсатади. Аслида ўзбек композиторларининг барчаси Чайковский ижодини ўрганиш давомида улғайганлар десам, хато бўлмайди. Бир нечта композиторларимизнинг берган интервьюларида шунга амин бўлганманки, хатто Чайковский ижодини ўзгача меҳр билан ўрганадилар, муҳаббат билан тинглайдилар. Шундай композиторлар қаторига Р.Абдуллаев, М.Отажонов, У.Мусаев, А.Эргашев ва бошқаларни келтириш мумкин. Композиторларнинг симпозиумлари, учрашувларида композитор Р. Абдуллаев Чайковский ижодини яхши кўришини, унинг асарларидан илҳомланишини, унинг ижод

услугидан ўртак олиш мумкинлигини кўп бора таъкидлаган. Композитор Мухаммадjon Отажонов эса “Гулдаста” номли болалар учун фортепиано альбомини яратишда Чайковский услугидан унумли фойдаланган. Яъни ҳар бир асар шеър билан биргаликда келтирган. Энг эътиборли жиҳати эса ушбу “Гулдаста” миллий оҳангларга жуда бой. Муаллиф билан бўлган суҳбатимизда, шундай деган эди: “Чайковский бизга ғойибона устоз саналади. Фортепиано учун концертлар яратаётганда албатта Чайковскийнинг услугидан фойдаланамиз. Фарқи шуки, биз миллий калоритда ёзамиз.”

## ХУЛОСА

Чайковский барча ўзбек бастакорларнинг устози десам, янглишмайман, сабаби унинг ижоди ҳар бир композитор умрининг охиригача ҳамроҳлик қилади. Кузатувларимдан келтирмоқчиманки, Ўзбек санъат арбоби Анвар Эргашев “Чеховиана” балетида муаллифнинг Чайковскийнинг балетларидан илхомлангани яққол сезилиб туради. Гарчи асар Чеховнинг “Уч опа сингил” ва “Чайка” номли пьесалари мотивлари асосида яратилган бўлсада, Чайковскийнинг услубига ҳос безаклар яққол сезилади.

Албатта Чайковскийнинг ижоди борасида бир қанча ўрганилмаган мавзулар бор. Бугунги кунда ёш санъатшуносларимиз бу мавзуларни илмий даражада ўрганган ҳолда тадқиқотлар олиб боришса аъло нур бўлар эди.

## REFERENCES

1. Вас. Яковлев. Чайковский на московской сцене. — М.—Л.: Искусство, 1940.
2. Богданов-Березовский В. М. Оперное и балетное творчество Чайковского. — Л.-М., 1940.
3. Слонимский Ю. И. П. И. Чайковский и балетный театр его времени. — М., 1956.
4. Протопопов В. В., Туманина Н. В. Оперное творчество Чайковского. — М., 1957.
5. Вайдман П. Е. Творческий архив П. И. Чайковского — М.: Музыка, 1988.
6. Альшванг А. А. Опыт анализа творчества П. И. Чайковского (1864—1878). — М.-Л., 1951.

